

РАИМКҲУЛОВ АБДИСАБУР АЗЗАМОВИЧ 65 ЁШДА



Ўзбекистон археологияси фанининг йирик вакилларидан бири, бутун умрини, илмий ҳаётини, шу фаннинг ривожига сарф қилган, бугунги кунда устозлик даражасига кўтарилган истеъдодли, серқирра олим, тарих фанлари доктори Раимқулов Абдисабур Аззамович шонли 65 ёшга тўлди.

Раимқулов Абдисабур Аззамович 1958 йил 29 декабрда Самарқанд вилояти Пайарик туманида Чолмуйин қишлоғида туғилди. 1966–1976 йилларда ўрта мактабда таълим олди. Ёшлигиданоқ археология фанига бўлган қизиқиш уни 1977 йилда Тошкент Давлат университети тарих факультетига бошлаб келди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ёш талаба ўқув йилининг бошиданоқ факультетнинг академик М. Е. Массон томонидан 1940 йилда асос солинган “Ўрта Осиё археологияси” кафедрасида археология мутахассислиги бўйича таълим олишга киришди. Бу кафедрада ўқиш ўша даврда доимий равишда дала амалиёти билан бирга олиб

борилар, бўлғуси археолог талабалар тажрибали устоз археологлар раҳбарлигида бир йилда икки марта дала амалиётига чиқишарди. Шу сабабли у талабалик йилларидаёқ беш йил давомида Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Тошкент, Наманган, Самарқанд вилоятларида ҳамда Туркменистоннинг қадимий Марв ёдгорлигида олиб борилган ўндан ортиқ археологик экспедицияларда, турлича даврга, турлича хусусиятга эга бўлган археологик ёдгорликларда қизиқма ишларида иштирок этди. Дала амалиёти даврида археологик ёдгорликларни қизиқ, топилган осори-атиқлар устида ишлаш каби мураккаб вазифаларни кунт билан ўрганди. Мана шу ўқув даргоҳида археология фанининг турли йўналишлари бўйича С. Б. Лунина, З. И. Усманова, Г. Я. Дресвянская, А. С. Сағдуллаев, Э. В. Ртвеладзе, Н. И. Крашенинникова каби йирик археолог олимлардан олинган илмий ва амалий сабоқлар, сифатли билим А.А. Раимқуловнинг археология соҳаси бўйича олим бўлиб шаклланишида, узок йиллик илмий фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бугун олим мўътабар устозларини чуқур ҳурмат билан эсга олади.

А. А. Раимқулов 1982 йил университетни битириб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқандда жойлашган Археология институтида катта лаборант вазифасида иш бошлади. 1983 йилда дастлаб Самарқанд вилояти Пайарик тумани ҳудудидаги Тўсинсой бўйида жойлашган Доринтепа қишлоқ маконида ҳамда шу туман ҳудудидаги Соғарж шаҳри харобаларида археологик қизиқмалар олиб борди. Соғарж шаҳрида олиб борилган археологик

қазишма ишлари даврида, бу йирик шаҳарнинг тарихий топографияси бўйича бундан қирқ йил муқаддам маҳаллий аҳолидан олинган қимматли маълумотлар олимнинг 2017 йилда нашр этилган “Катта Суғд – Суғдиёна” китобида муфассал баён қилинган.

А. А. Раимқулов 1984 йилдан институтнинг Қашқадарё экспедицияси таркибида Қашқадарё вилояти Косон тумани ҳудудида жойлашган, қадимги Никшапайа-Никшапа шаҳри харобалари бўлган Ерқўрғон ёдгорлигида кенг



қамровли қазишмалар олиб борди. Олим тўла очилган, атрофи девор билан ўралган жой шаҳар вайрон этилганидан кейин пайдо бўлган кулоллар қишлоғи эканлиги, унда яшаган кулоллар Никшапайа шаҳри кулолларининг авлодлари бўлиб, ота-боболари касбини давом эттирганликлари тўғрисида жуда қизиқ фикрни илгари сурди.

1987–1988 йилларда А. А. Раимқулов томонидан Қарши воҳаси ҳудудида жойлашган илк ўрта асрлар ёдгорлиги Кунжутлитепа қишлоқ макони биринчи марта тўлалигича очилди. 1985–1986 йилларда Яккабоғ туманидаги Тўрткўлтпепада эса IV–V асрларга оид йирик қишлоқнинг ярми очиб ўрганилди. Ёдгорликнинг куйи қисмида сўнгги бронза ва илк темир даврига оид ноёб маданий қатламлар кашф этилди.

Ушбу археологик тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ А. А. Раимқулов 1992 йилда Р. Ҳ. Сулаймонов илмий раҳбарлигида “Нахшабнинг илк феодализм даври қишлоқлари маданияти” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

А. А. Раимқулов 1993–1997 йилларда Қашқадарё вилояти Муборак тумани ҳудудида жойлашган Занжир Сарой ёдгорлигида археологик тадқиқотлар олиб борди ва Ўзбекистон археологияси фанида биринчи марта Чигатой улуси даври шаҳарсозлиги, меъморчилиги ва моддий маданияти махсус ўрганилди. 2001 йилда А. А. Раимқулов Германиянинг ДААД фонди грантини олишга эришди ва Германиянинг Мюнхен, Штутгарт, Тюбинген шаҳарларида Ўрта Осиёнинг мўғуллар даври шаҳарсозлиги, меъморчилиги ва моддий маданиятини ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб борди. Бу йўналишда кўплаб халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган, ўндан ортиқ илмий мақолалар чоп этилган.

А. А. Раимқулов узоқ йиллар давомида Қашқадарё воҳасининг барча йирик шаҳар ёдгорликлари бўйлаб археологик қидирувлар олиб бориб Жанубий Суғднинг ўрта асрлар даври шаҳарсозлигини, 1996, 2006, 2013 ва 2014 йилларда Шаҳрисабз шаҳри ҳудудида археологик тадқиқотлар натижасида эса Кеш-Шаҳрисабз шаҳрининг шаҳарсозлик маданиятини, шаҳарнинг тарихий топографиясини тадқиқ этди. Археологик тадқиқотлар натижаси ўлароқ, олим Шаҳрисабз шаҳри қалъа деворлари биринчи марта Хоразмшоҳлар даврида қурилган, деган жуда муҳим хулосага келди. Узоқ йиллик тадқиқотлар асосида 2018 йилда “Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари” илмий монографияси чоп этилди.

А. А. Раимқулов 2018 йилда “Жанубий Суғднинг VIII–XIV асрлар даври тарихий топографияси” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссер-



тацияда Жанубий Суғд, яъни ҳозирги Қашқадарё воҳасининг VIII–XIV асрлар даври шаҳарсозлиги, шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари чуқур таҳлил қилинди. Диссертациянинг энг катта ютуғи – олим бу тадқиқотида Қашқадарё воҳасида ривожланган ўрта асрларда ўттиздан ортиқ шаҳар мавжуд бўлганлигини аниқ археологик далиллар асосида исботлаб берди.

А. А. Раимқулов нинг

муҳим илмий йўналишларидан яна бири Ўрта Осиёда қадимий христианлик тарихидир. 1990 йилларнинг бошларида А. А. Раимқулов томонидан Қарши шаҳри яқинида VII аср бошларига оид христианлик ибодатхонаси қолдиқларининг топилиши, олимга археология соҳасида жуда кам ўрганилган христианлик тарихини чуқурроқ тадқиқ қилишни тақозо этди. Бу борада у 2000 йилда Ватиканнинг Рим папаси Шарқий христианлик институти грантини олишга муваффақ бўлди ва бир неча ой давомида Италиянинг Рим, Неаполь, Флоренция, Турин ва Милан шаҳарларида Ўрта Осиё христианлиги тарихи борасида тадқиқотлар олиб борди. Тадқиқотлар самараси ўлароқ олим Ўрта Осиё христианлигининг ўзига хос хусусиятлари, моддий маданияти, тарихи ва археологиясига бағишланган кўплаб конференцияларда иштирок этди, маҳаллий ва хорижий нашрларда ўндан ортиқ илмий мақолалар чоп этди. Ҳозирда А. А. Раимқулов “Ўрта Осиё христианлиги тарихи археологик манбаларда” номли илмий монография устида ишламоқда.

А. А. Раимқулов кейинги йилларда яна бир мавзу – Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври кўчманчи халқлари тарихи, кўчманчилар цивилизацияси устида тадқиқотлар олиб бормоқда. Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида Қарши шаҳри ҳудудида жойлашган Қалъайи Зоҳҳаки Морон ёдгорлиги олим томонидан биринчи марта юечжи қабилаларининг мил.авв. II асрда қурилган илк пойтахти сифатида талқин қилинган. У кейинги йилларда кўчманчилар цивилизациясига бағишланган бир нечта халқаро илмий анжуманларда иштирок этиб маърузалар қилди, қатор мақолалар чоп эттирди.

А. А. Раимқулов кейинги йилларда Қашқадарё воҳаси археология ёдгорликларини ҳисобга олиш борасида олиб борилаётган археологик қидирувларга раҳбарлик қилмоқда. 2012–2018 йилларда вилоятнинг Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Чироқчи ва Қамаш туманлари ҳудудларида жойлашган саккиз юздан ортиқ археологик ёдгорликлар тўла ҳисобга олинди ва унинг раҳбарлигида “Ўзбекистоннинг археологик ёдгорликлари каталоги. 5 том. Қашқадарё вилояти. 1-қисм. “Яккабоғ тумани”, 2-қисм. “Шаҳрисабз тумани”, 3-қисм. “Китоб тумани” каталоглари нашр этилди. Ҳозирда “Ғузор тумани”, 4-қисм каталоги тайёрланиб, нашрга топширилди.

А. А. Раимқулов археология фани ютуқларини оммалаштириш борасида ҳам жиддий тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу борада олимнинг “Катта Суғд – Суғдиёна” китоби айниқса эътиборга сазовор. Бу китобда Зарафшон дарёсидан шимолдаги ҳудудларда, хусусан Зарафшон-Оқдарёдан то Нурота тоғларигача бўлган ҳудудни ўз ичига олган қадимий Катта Суғд тумани тарихи ёритилган. Бу китобда 3100 йиллик қадимий Басилея шаҳрининг меросхўри

ҳозирги Челак шаҳри эканлиги, бу шаҳар ўрта асрлар ёзма манбаларида кенг ёритилган Видор шаҳри харобалари эканлиги, шаҳарнинг тарихий топографияси ишончли археологик маълумотлар ёрдамида кенг асослаб берилган.

А. А. Раимқулов томонидан 2012 йилда Нурота тоғларига қилинган экспедиция даврида Суғднинг энг шимолий нуқтасидаги “Темир дарвоза” кашф этилди. Бу муҳим кашфиёт тўғрисида маҳаллий ва хорижий нашрларда бир қатор илмий мақолалар чоп этилди.

А. А. Раимқулов айни кунларда институтнинг Ўзбекистон-Франция (Лувр) ҳамда Ўзбекистон-Туркия (Истанбул университети) халқаро экспедицияларининг Ўзбекистон томондан раҳбари сифатида Бухоро ва Қашқадарё воҳаларининг антик ва ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги устида жиддий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Олимнинг эътироф этишларича, унинг Самарқанд археология институтидаги узоқ йиллик фаолияти, эришган ютуқлари, муваффақиятларининг калити – бўлғуси олим институтга қелган илк палладаноқ тақдир у кишини Аҳмадали Асқаров, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, Ўткир Исломов, Юрий Буряков, Рустам Сулаймонов, Темур Ширинов каби археология соҳасининг етук ва машҳур олимлари билан учраштирди. Олим бир умр бу улуг инсонлардан, улуг устозлардан ибрат олиб яшади, ҳаёти давомида улардан ўрганган энг катта сабоғи – бу археология фанига, илмга бўлган ҳалол муносабат, камтарлик бўлди.

*“O‘zbekiston arxeologiyasi” тахририяти,
Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институти жамоаси*